

ИНСОН ҚИЁФАСИ ВА ЛИБОСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ.

Жиззах политехника институти
“Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий
фанлар” кафедраси ўқитувчиси
Ибайдуллаев Темур Гайбуллаевич

РЕЗЮМЕ

Мақолада инсон қиёфасининг мазмун моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, одамнинг ички ва ташқи дунёси ҳамда либосини шакллантирувчи омиллар фалсафий - маданий жиҳатдан тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: маданият, қиёфа, инсон қиёфаси, миллий қиёфа, либос, кийим, миллий либос, инсон “ички ва ташқи дунёси”, инсон “ички ва ташқи гўзаллиги”.

РЕЗЮМЕ

В статье исследованы философско-культурные факторы формирования внешнего и внутреннего мира человека, его одежды, “сущность и специальные особенности внешности человека.

Ключевые слова: Культура, внешность, внешность человека, национальная внешность, наряд, одежда, национальная одежда, “внутренний и внешний мир” человека, “внутренняя и внешняя красота” человека.

ABSTRACT

There are explored philosophical-cultural factors of the shaping of external and internal world of the person and its clothes, essence and special appearance particularities of of the person in this article.

Key words: A culture, an appearance, a human’s appearance, a national appearance, a suit, a cloth, a national cloth, “an inner and outer world of human”, “a human’s beauty”.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма – босқич ислохотлар, аввало жамиятимизда яшаётган ҳар бир инсонга муносиб турмуш шароитини яратиш, хусусан, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган. Шу ўринда, миллий либосларни ўрганиш орқали унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Маълумки, фалсафанинг шакл ва мазмун категориялари ҳаётни диалектик тушинишга ва муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади. Шакл ва мазмун категориялари ҳаётдаги «ички дунё» ва «ташқи дунё» деган тушунчаларга ҳам бевосита таалуқли. Дунёдаги барча нарса – ҳодисаларнинг, жумладан, ҳар бир табиий унсур, ўсимлик, жонзотларнинг ўз шакли, қиёфаси ва кўринишлари, шу билан бирга уларнинг ҳар бирини ўз моҳияти, мазмуни мавжуд. Инсоннинг ҳам барча жонзотлардан ажралиб турадиган, ўзига мос «ташқи дунё»си ва «ички дунё»си мавжуд.

Инсоннинг «ички дунё»сини унинг ақли, қалби, жони, руҳи кабилар вужудга келтирса, унинг «ташқи дунё»сини эса, унинг кўриниши, жасади, қиёфаси ташкил этади. Одатда одамнинг «ташқи дунё»сига нисбатан кўпроқ “қиёфа” (“инсон қиёфаси”) деган атамани ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки “инсон қиёфаси” деганда, энг аввало ташқи кўринишини, жумладан, қаддиқомат, юз тузилиши ва кийимлардан ташкил топган кўринишни тушунамиз. Инсоннинг ташқи тузилиши, қомати, ранг туси, юзи - буларнинг ҳаммаси қиёфанинг асосий белгиларидир. Қиёфа кўпроқ ташқи кўриниш сифатида намоён бўлади”[1].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қиёфага “ташқи кўриниш, юз, афт, қаддиқомат, ўзини тутиш”... Шунингдек: “1.Ташқи кўриниш, тус... 2.Юз ифодаси... 3.(кўчма маънода) Кишининг маънавий, руҳий ва ахлоқий хусусиятлари, онги дунёқараши, билим-савияси ва шу кабилар мажмуи”... – деган маълумотлар келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда мазкур луғатда диққатга сазовар бўлган “Қиёфат” атамасига ҳам тўхталиб ўтилиб, у “ташқи кўриниш, юз, афт, қадди – қомат, ўзини тутиш”[2] - деган маъноларни англатиши тадқиқот доирасини кенгайтиришига олиб келади. Бундан келиб чиқиб, “Миллий қиёфат” деган атамани ҳам тадқиқот доирасида ишлатса ҳам бўлади.

Тадқиқотчи Б.Э.Тошбоев мазкур масала бўйича қўйидагиларни таъкидлайди: миллий қиёфа ва характерга ўзгача сайқал берувчи, имон-эътиқод ва диний-ахлоқий қадриятларнинг ҳукмрон мафкура таъсирида камситилиши ва уларни халқ ижтимоий турмушидан сиқиб чиқаришга уринишлар ҳам миллий қиёфасизликни юзага келтириб, миллатга хос бўлган ижтимоий қиёфа ва миллий характернинг том маънода такомиллашувига ўзининг салбий таъсирини ўтказади[3].

Шакл ва мазмун ўзаро боғлиқ бўлганидек, инсондаги «ички гўзаллик» ва «ташқи гўзаллик» деган тушунчалар ўртасида ҳам уйғунлик бор. Ички ва ташқи гўзаллик бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб туради. Жумладан, инсон ички гўзалликсиз, ташқи гўзалликка эришиши қийин бўлиб, фақат у ташқи қиёфасини вақтинчалик гўзал қилиб туриши мумкин. Бундай ҳолатда ташқи гўзалликда табиийлик йўқолиб, унинг ўрнини суънийлик эгаллайди. Шу ўринда Юнон файласуфи Фалес “ташқи қиёфани безайвермасдан маънавий оламини безаш керак”,[4] деган эди. Бу билан у ташқи гўзалликни суънийлаштириб юбормаслик кераклигига алоҳида эътибор қаратганини кўриш мумкин. Инсоннинг маънавий олами гўзал бўлса, унинг ташқи қиёфаси ҳам гўзал бўлади.

Шундай қилиб, инсон доимо юксак маънавиятли, иймон-эътиқодли ва ички дунёсини гўзал қилишга ҳаракат қилса, унинг замини гўзал бўлган қиёфада «ташқи гўзаллик» ҳосил бўла бошлайди.

“Инсон қиёфаси” (ёки “инсон қиёфати”) билан бирга “Миллий қиёфа” деган тушинча ҳам мавжуд. Миллий қиёфа шу миллатга мансуб бўлган шахслар қиёфасини умумлашмасидан вужудга келади. Хар бир миллатнинг ўз анъаналари, урф-одатлари ва ташқи кўринишлари бўлиб, улар бир биридан фарқлантирувчи белгилар ҳисобланади. Агарда барча миллатларнинг ташқи қиёфаси бир хилда бўлса, уларни бир-биридан фарқлаш жуда қийин бўларди. Жумладан, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, инглиз, испан ва бошқа миллат вакиллари ўзбек миллий либоси билан кийинтириб, уларни қайси миллат вакилли эканлигини аниқлаб бўлмайди. Сабаби уларда ўзбек миллий қиёфа акс этиб туради. Уларни фақатгина гапиртириш йўли билан қайси миллат вакили эканлигини аниқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ, миллий қиёфани шакллантириш заминида аҳолини маънан етук билимли, интеллектуал салоҳиятли комил инсон бўлиб вояга етказиш долзарб масалалардан бири сифатида қарала бошланди.

Шунингдек, “миллий қиёфа миллий характер сифатини кўрсатувчи ўзига хос барометр вазифасини ўтайди ва шунга кўра, турмуш тарзининг барча жабҳаларида шахс ижтимоий – маънавий қиёфасини мукамал тарзда шакллантиришга эришишнинг ҳам назарий, ҳам илмий – амалий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади”[5].

Шуни таъкидлаш керакки, миллий қиёфанинг шаклланишида бир неча омиллар муҳим ўрин тутаяди. Уларнинг биринчиси - табиий омил. Ташқи табиий омил деганда, миллат вакиллари истиқомат қиладиган геомухит, иқлим, табиат, турар жой хусусиятлари - тоғли, боғли, даштли, сувли манзиллари кабилар назарда тутилади. Масалан, совуқ иқлимда, шимолда яшайдиган халқларнинг қиёфаси ҳам, кийими ҳам иссиқ иқлимдаги халқларники билан бир хил бўлиши мумкин эмас. Тоғда ва чўлда яшайдиганлар ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан, миллий қиёфанинг шаклланишида аҳолининг турмуш тарзи, меҳнат машғулоти, касб-ҳунари ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўзбек деҳқонлари, испан балиқчилари ва тува чорвадорларининг турмуш тарзи, машғулотига мос ва касбига қулай кўринишлари вужудга келган.

Учинчидан, миллий қиёфа - бу миллий менталитет билан ҳам боғлиқ. Аниқроғи, у миллатнинг онги, тафаккури, психологияси, руҳияти асосида пайдо бўлади. Миллатнинг характери юз қоматида ўз аксини топади. Масалан, грекларнинг қиёфаси англияликларникидан фарқ қиладди. Этнографларнинг фикрича, французларни инглизлардан фарқи, уларнинг менталитети (характери)дан келиб чиқади. Миллий қиёфа миллатнинг ички дунёси - онги, менталитети (характери), руҳияти, маънавиятининг ўзига хос аксидир. Демак, миллий менталитет (характер) миллий қиёфани шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

Тўртинчидан, халқ маданияти, ижоди, диний эътиқодлар ва миллий анъаналар ҳам миллий қиёфада ўз ўрнини топади.

Шу ўринда айтиш керакки, дин ҳам миллат либосида ўз изини қолдириши билан аҳамиятли. Масалан, будда, христиан ва албатта, ислом арбоблари ўз диний эътиқодлари билан бирга ўзига хос либосларни дунёга тарқатишга интилишган.

Тўғри, диний либосларнинг кўпчилиги маҳаллий кийимлар билан бутунлашиб, ҳар бир ҳудудда ўзига хос кўринишларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Марказий Осиёда дин арбобларининг ва Араб мамлакатлари диндорларининг кийимларида умумийлик ва ўзига хослик томонлари мавжуд. Шунинг билан бирга татар ва ўзбек дин арбобларини кийган либосларига маҳаллий аҳолини миллий кийимларининг таъсирини кўриш мумкин.

Миллий либослар миллий қиёфани акс эттирадиган муҳим элементларидан бири бўлиб, у миллатнинг ташқи қиёфасини ривожлантириб, ўзгартириб, такомиллаштириб борадиган кадриятдир.

Хуллас, миллий қиёфа миллат истиқомат қиладиган табиий иқлим, об-ҳаво, географик жойлашуви, миллатнинг турмуш тарзи, машғулотлари, анъаналари, тарихи, диний эътиқодлари, миллатнинг онги, руҳияти, маданияти асосида шаклланади ва раванқ топади.

Бу борадаги илмий тадқиқотни самарали олиб бориш учун инсон қиёфаси билан бевосита боғлиқ - кийим ва либос атамаларига тўхталиб ва аниқлик киритиш лозим бўлмоқда. Чунки, биринчидан, кўпгина илмий манбаларда, энциклопедия ва луғатларда бу атамаларга турлича изоҳ берилмоқда. Иккинчидан, кийим ва либос тушунчалари ўртасида фарқлар бўлса ҳам уларни кўпинча бир бирига синоним сифатида ишлатишмоқда.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “кийим – баданни ва тана аъзоларини беркитиш, ёпиш ва шу билан инсон танасини ташқи муҳит таъсиридан сақлаш учун кийиладиган, асосан, мато ва теридан тикиб тайёрландиган нарсаларнинг умумий номига айтилади” деб таъриф берилган[6]. Шунингдек, “Либос тарихи” асарининг муаллифлари Д.Раҳматуллаева, У.Ходжаева, Ф.Атахановаларнинг ҳам кийимга берган таърифлари юқоридаги фикрларга яқин. Уларнинг таърифи қуйидагича: “Кийим деганда, аввало, инсон танасининг турли қисмларини беркитиш учун зарур бўлган, уни ташқи муҳитнинг турли таъсирларидан ҳимоялайдиган буюмлар тушунилади”[7].

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да эса кийимга “инсон танасини ташқи муҳит (иқлим, об-ҳаво ўзгаришлари, қуёш нури ва бошқалар) таъсири ва турли механик таъсирлардан асрайдиган воситалар тўплами, эстетик вазифани бажаради ҳамда жинс, ёш, миллийлик ва бошқа хусусиятларни ўзида акс эттиради” деб кенг таъриф беришга ҳаракат қилинган[8].

Фалсафа фанлари номзоди, либосшунос олима У.Раҳматуллаева тадқиқотида кийим атамасига қуйидагича таъриф берган: “Кийим – инсон танасини табиий – иқлим таъсирларидан сақловчи омил бўлиб, жинс, ёш, миллийлик ва ўзига хослик хусусиятларини акс эттиради. Дастлаб, кийиниш табиий зарурият сифатида, яъни ташқи омиллар таъсиридан баданни ҳимоя этиш воситаси сифатида вужудга келган бўлса – да, кишилиқ жамиятининг ижтимоий тараққиёти натижасида, у инсон маданияти намунаси бўлиб қарор топди. Кийим ташқи муҳит таъсиридан сақловчи восита сифатида, бутун инсоният тарихида кишилар дидини, эстетик идеалларнинг ўзгаришини ўзида акс эттириб туради”[9]. Бундан келиб чиқиб, кийим деганда инсон баданини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилувчи, унинг жинси, ёшини ифода этадиган турли мато ва чармлардан тайёрланадиган восита тушунилади.

Энди “либос” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у арабча сўздан олинган бўлиб асосан ислом дини тарқалган мамлакатларда ишлатилади. “Ўзбек тилининг

изоҳли луғати”да либос: биринчидан, “кийим, уст-бош,...иккинчидан спектакль ва режиссёр гоёсига мувофиқ... актёрга кийдириладиган кийим, пойабзал, бош кийим, зеб – зийнат” каби воситаларидан бири сифатида баён этилган. Шунингдек, либос кўчма поэтик маъносида “бадий тасвирда: ўраган, қоплаган нарсага нисбатан рамзий маънода қўлланилиши” (масалан, байрам либоси, шаҳар либоси кабилар) билан изоҳланган[10]. Бу манбада либосга юзакироқ таъриф берилиб, масалани моҳияти эътибордан четда қолган.

Юқорида тилга олинган “Либос тарихи” асарининг муаллифлари либосга қуйидагича таърифи берган: “...турли вазифаларни бажарувчи аксессуарлар, безаклар, соч турмаги, пардоз билан бирга либосни ташкил этади. Айнан либос инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ёши, жинси, характери ва эстетик дидини намоён этади”[11]. Бизнингча, бу жойда ҳам либос тушунчаси ўзининг тўлақонли таърифини топмаган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “либос - кийим, уст-бош” деб таъриф берилиб, сўнгра ... костюм (итал. costume-одат), театрда - спектаклни безашнинг муҳим воситаларидан бири (*режиссёрнинг умумий гоёси асосида яратилаётган сахна образини характерлашда актёрга кийдириладиган кийим, пойабзал, бош кийим, зеб-зийнат ва бошқа либос танлашда қаҳрамоннинг характери, жамиятда тутган мавқеи ва ёши ўз аксини топади, образнинг психологик ва ижтимоий моҳиятини очишда асосий ўрин тутади. Грим ва соч турмаги либосни тўлдиреди. Либос театр рассоми ижодининг мустақил соҳаси бўлиб, унда рассом ўткир ижтимоий, тарихий, сатирик, гротеск, фожиавий, эртак ва бошқа образлар дунёсини тасвирлайди. (Моҳина Аширова)*) эканлиги ҳақида кенг ёзилади[12]. Бу таъриф “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида” берилган таърифга ўхшаш ва улар бир бирини такрорланганлигини (театрдаги маъносидаги таърифдан) яққол кўриш мумкин.

Фалсафа фанлари номзоди У.Раҳматуллаева либоснинг қуйидаги жиҳатларига эътибор берган: у “инсоният тарихининг жонли саҳифалари бўлиб, ўтмиш маданиятимизнинг бетакрор намунаси сифатида эътиборлидир. Ҳар бир халқнинг тарихий – маданий ривожланиш босқичлари уларнинг аждодлари томонидан кийилган кийимларда ўз аксини топган ва ушбу жиҳатлар ўзликни англаш ҳолатлари билан чамбарчас боғлиқдир”[13]. Фалсафа фанлари доктори, профессор У.Ҳ.Қорабоев бу борада ўз фикрини қуйидагича таърифлайди: “Либос – асрлараро шаклланган этник маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири. Уй-жой, меҳнат қуроллари, озиқ – овқат ва бошқа маиший ашёлар билан бирга либос халқнинг нафақат моддий, балки маънавий жиҳатини ҳам ташкил этади”[14]. Шунини алоҳида айтиш мумкин – ки, инсон қиёфаси ва либоси диалектик уйғунликда табиат, жамият ва замон каби омилларга мос келиши айни муддао бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, либосга ўз фалсафий-маданий таърифимизни беришга ҳаракат қилдик, яъни либос – кийимнинг юқори маданий кўриниши бўлиб, у муайян мақсадга йўналтирилган, махсус композицион кўринишга эга бўлган, инсон қиёфаси, юз ва тана тузилиши, ранги, боши, сочи кабилар билан уйғунлашадиган, миллатнинг маданиятини ўзида акс эттирадиган, ўзида эстетик хусусиятларини бирлаштирган, жамият ва табиатнинг талабларини ўзида жамлаштирган муҳим воситадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, *биринчидан*, либос – инсониятнинг тарихий моддий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган моддий маданиятдир, *иккинчидан*, инсоннинг аклий-ижодий фаолияти натижасида таракқий этган, минг йилликлар мобайнида аждодлар фикрлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида бирлаштирган бебаҳо мерос, *учинчидан*, либос – авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, мураккаблашиб борган, инсоннинг ички маънавий дунёсини акс эттирувчи воситадир, *тўртинчидан*, либос инсонга ҳозир ва келажакда ҳам ҳизмат қиладиган муҳим қадриятдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Қорабоев У.Х. Маданият масалалари. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат Илмий Нашриёти. –Тошкент, 2009. – Б.76.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 2006. – Б.275-276.
3. Тошбоев Б.Э. Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси учун автореферати. – Самарқанд. 2018, – Б.13.
4. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/tafakkur-gulshani/jismoniy-va-manaviy-gozallik-xususida/>
5. Тошбоев Б.Э. Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси учун автореферати. – Самарқанд, 2018, – Б.16.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2006, – Б.364.
7. Раҳматуллаева Д., Ходжаева У., Атаханова Ф. Либос тарихи. – Тошкент, 2015, –Б.4.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 2002, – Б.569.
9. Раҳматуллаева У.С. “Ўзбек халқининг кийиниш маданияти: анъанавийлик ва замонавийлик (фалсафий-маданий ёндашув)” мавзусидаги диссертациясининг автореферати. –Тошкент, 2010, – Б.9.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 2006, – Б.496.
11. Раҳматуллаева Д., Ходжаева У., Атаханова Ф. Либос тарихи. –Тошкент, 2015, – Б.4.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 2003, – Б.264.
13. Раҳматуллаева У.С. “Ўзбек халқининг кийиниш маданияти: анъанавийлик ва замонавийлик” мавзусидаги диссертациясининг автореферати. –Тошкент, 2010, – Б.9-10.
14. Усмон Ҳосил (Қорабоев). Одатнома. 2-китоб. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018 – Б.95.